

## Таъзия



18:40 / 02.08.2019 2058

«Ҳилол» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Ислом.уз портали жамоаси – Жиззах вилояти Зомин тумани бош имоми-хатиби ва "Маърифатли" жоме масжиди имом-хатиби, **Равшанов Аброр домланинг оналарининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳуманинг барча чеккан заҳматлари, тортган дардларини каффорот қилиб, барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфиратига, чексиз раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳуманинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз. Парвардигоримиз марҳумни Ўзининг раҳмати ва мағфиратига буркасин, ортларида қолган аҳли байти ва фарзандларига сабру салвон

берсин!

**«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда  
«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»,  
деганлардир».**

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

*Жаноза 3 август соат 8:00 да Равшанов Аброр домланинг ҳонадонларида  
ўқилади.*

*Мўлжал: «Маърифатли» жоме масжиди ёнидаги кўчадан 300 метр  
ичкарига кирилади.*